

XVI. АҲОЛИНИНГ УМУМИЙ ДАРОМАДЛАРИ

Аҳоли фаровонлигини ифодалашда жами аҳолининг, оилаларнинг, алоҳида шахсларнинг умумий даромадлари муҳим эҳамиятга эга.

Аҳолининг умумий даромадларига пул даромадлари ва натура шаклидаги даромадлар киради ҳамда доимий асосда, такрорланувчи хусусиятга эга бўлган, йиллик ёки ундан кам вақт оралиғидаги даврда уй хўжалиги ёки унинг алоҳида аъзоларига тушадиган тушумлардан ташкил топади.

Аҳолининг умумий даромадлари нафақат ёлланиб ишловчиларнинг меҳнат фаолиятдан олган даромадлари, балки мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар, шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадлар, мол-мулкдан олинган даромадлар (фоизлар, дивидендлар, муаллифлик ҳақи, бошқа мулкӣ даромадлар), трансфертлардан олинган даромадлар (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқа жорий трансфертлар)дан иборат.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадлари 186,2 трлн. сўмни ташкил этди ва 2016 йилнинг мос даврига нисбатан 22,8 % га ўсди (реал ўсиши – 12,2%).

2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадларининг ўсиш суръатлари (2016 йилнинг мос даврига нисбатан, %)



2017 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадларининг катта қисми ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларни ўз ичига олган меҳнат фаолиятдан олинган даромадлардан (жами аҳоли умумий даромадларининг 68,8 %) шаклланди.

Аҳоли умумий даромадлари таркибида шахсий истеъмол учун ўзида ишлаб чиқарилган хизматлардан олинган даромадларнинг улуши 2,2 %, мол-мулкдан олинган даромадларнинг улуши 4,2 %, трансфертлардан олинган даромадлар улуши 24,8 % ни ташкил қилди.


2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига Ўзбекистон Республикасида аҳоли умумий даромадлари таркиби
(жами аҳоли умумий даромадларига нисбатан, %)



Меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг асосий манбаи ёлланма ишчиларнинг даромадлари ҳисобланади. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли умумий даромадлари таркибида ёлланма ишчиларнинг даромадлари 34,3 % ни ташкил қилди.

Худудларда ёлланма ишчиларнинг даромадлари турлича ва 25,8 % дан (Хоразм вилоятида) 45,4 % гача (Навоий вилоятида) ўзгариб туради. Ёлланма ишчилар даромадларининг учдан бир қисми (41 %) Тошкент шаҳри (21,8 %), Тошкент вилояти (10,1 %) ва Фарғона вилоятлари (9,1 %) ҳиссасига тўғри келади.


Худудлар бўйича умумий даромадлар таркибида ёлланма ишчилар даромадларининг улуши, %



Меҳнат фаолиятдан олинган даромадларнинг кейинги асосий манбаи - бу мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар бўлиб, ушбу даромадлар улушига кўра аҳоли умумий даромадларига сезиларли таъсир кўрсатади ва уларнинг улуши 34,5% ни ташкил этмоқда. Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг 1% га ўсиши умумий даромадлар ҳажмининг 0,37% га ўсишига олиб келади.

Мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларнинг асосий улуши Самарқанд (11,1 %), Тошкент (11,0%), Андижон (10,2%) ва Фарғона (9,2%) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Камроқ улушга эга бўлган ҳудудлар Жиззах вилояти (3,7%), Қорақалпоғистон Республикаси (3,2%) ҳамда Сирдарё (2,6%) вилоятлари ҳисобланади.


Жами мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадларда ҳудудларнинг улуши, %



Шунингдек, аҳоли даромадлари манбаларидан яна бири мол-мулкдан олинган даромадлар бўлиб, 2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига ушбу даромад манбаининг улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,5% пунктга ошди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркибида бошқа мулкӣ даромадлар асосий улушга эга бўлиб, унинг улуши 59,5% ни ташкил қилади. Кейинги ўринларда дивидендлар – 28,4%, облигациялар, депозитлар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича фоизлар ва муаллифлик ҳақи – 12,1 % ни ташкил қилди.

Мол-мулкдан олинган даромадлар таркиби



Аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўзгаришига мол-мулкдан олинган даромадларнинг таъсири сезиларли даражада эмас. Агар кузатилаётган даврда аҳоли умумий даромадлари ҳажмининг ўсиши 22,8% ни ташкил этган бўлса, шундан 1,4 % мол-мулкдан олинган даромадлар ҳиссасига тўғри келади.

2017 йилнинг январь-декабрь ойларида мол-мулкдан олинган даромадлар ҳажмининг учдан икки қисми Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келиб, 69,1% ни ташкил этди. Навбатдаги юқори улушга эга бўлган ҳудудлар Тошкент (6,9%), Фарғона (3,9%) ва Самарқанд (3,6 %) вилоятлари ҳисобланади.


Аҳолининг умумий даромадлари таркибида трансфертлардан олинган даромадлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу даромадлар ижтимоий трансфертлар ва бошқа жорий трансфертларни ўз ичига олади. 2017 йилнинг дастлабки якунларига кўра, трансфертлардан олинган даромадларнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал ўсиш суръати 155,9 % ни ташкил этди.

Шу билан бирга, жорий даврда аҳолининг умумий даромадлари ҳажмида трансфертлардан олинган даромадларнинг улуши 5,3% пунктга ошди ва 24,8% ни ташкил этди. Трансфертлардан олинган даромадлар улушининг ошиши асосан республика ташқарисидан келиб тушган пул ўтказмалари ҳажмининг ошиши билан боғлиқ.

Кузатилаётган даврда ижтимоий трансфертларнинг ўсиш суръати 114,5 % ни ташкил этди ва бунга ижтимоий трансфертлар таркибида 84% улушга эга бўлган пенсиялар асосий таъсир кўрсатди. 2016 йил мос даври билан таққослаганда пенсияларнинг ўсиш суръатлари 114,8% ни ташкил этди.

Ўтган давр мобайнида пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўзгариши аҳоли умумий даромадларининг 1,8% га ўсиш имконини берди.

Ижтимоий трансфертларнинг турлари бўйича ўсиш суръатлари, %



Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари 5,8 млн. сўми ташкил этди (реал ўсиши – 10,3%). Шунингдек, аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари бўйича Тошкент шаҳри (12 675,6 минг сўм), Навоий (9 084,2 минг сўм), Бухоро (6 744,2 минг сўм) ва Тошкент (6 076,4 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари (минг сўмда)



Аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг энг юқори реал ўсиш кўрсаткичи Хоразм вилоятига (16,8%) тўғри келди. Шунингдек, Андижон (14,7%), Сурхондарё (14,5%), Наманган (13,7%), Самарқанд вилоятлари (11,5%) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (11,1%) аҳоли жон бошига умумий даромад кўрсаткичларининг реал ўсиши республика даражасидан юқорини ташкил этганлиги қайд этилди.

2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича аҳоли жон бошига ўртача умумий даромадлари (минг сўмда)

	<i>Аҳоли жон бошига ўртача, минг сўмда</i>	<i>Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиш суръати, %</i>
Ўзбекистон Республикаси	5 750,2	110,3
Қорақалпоғистон Республикаси	4 129,3	111,1
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	5 412,2	114,7
Бухоро	6 744,2	110,0
Жиззах	4 216,5	108,1
Қашқадарё	4 696,7	107,8
Навоий	9 084,2	105,1
Наманган	4 284,0	113,7
Самарқанд	4 953,7	111,5
Сурхондарё	4 691,4	114,5
Сирдарё	5 833,2	104,5
Тошкент	6 076,4	106,6
Фарғона	4 721,5	108,9
Хоразм	5 477,0	116,8
Тошкент ш.	12 675,6	110,0